



**ALISHER NAVOIY IJODIY MEROSINING UMUMBASHARIYAT  
MA'NAVIY-MA'RIFIY TARAQQIYOTIDAGI O'RNI**  
*mavzusidagi II-an'anaviy xalqaro ilmiy-amaliy*

**MATERIALS**

*of the II –traditional international scientific conference on the theme*

**THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE OF  
ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL  
DEVELOPMENT OF THE HUMANKIND**

**МАТЕРИАЛЫ**

*II традиционной международной научно-практической  
конференции на тему*

**МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ  
В РАЗВИТИИ ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ  
ЧЕЛОВЕЧЕСТВА**

# **XALQARO KONFERENSIYA MATERIALLARI**



**ALISHER NAVOIY**

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Қобул Турсунов. Навоийни эъзозлаган эл. <i>Навоий вилояти ҳокими</i> .....	4
Бахтиёр Назаров. Навоий ва замонамиз .....	5
Данияров Бахтиёр. Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси (Ўзбекистон).....	9

### БИРИНЧИ ШУЪБА: НАВОИЙ ИЖОДИЁТИНИНГ МАЪНО, МАВЗУ, ДИНИЙ ВА ТАСАВВУФИЙ ҚАТЛАМЛАРИ

Иброхим Ҳаққул. Навоий ижодиётида «адам ва вужуд» фалсафаси (Ўзбекистон).....	12
Муслиҳиддин Муҳиддинов. «Фарход ва Ширин» достонидаги ҳамдлар хикмати (Ўзбекистон).....	16
Сулаймон Иноятов. Мустақиллик ва Алишер Навоийга халқимиз эҳтироми (Ўзбекистон).....	20
Шоира Ахмедова. Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзилган мактублари хусусида (Ўзбекистон).....	26
Лайло Раупова. Алишер Навоий асарларида нутқ одоби муаммоси («Маҳбуб ул-қулуб» асари мисолида) (Ўзбекистон) .....	30
Tohir Xo‘jayev. Navoiyning qanoat haqidagi mulohazalari (O‘zbekiston).....	34
Ўраева Дармоной. Навоий «Хамса»сида беш фарз талқини (O‘zbekiston).....	38
Джумаева София. «Факр эрур бир лафзу...» (Ўзбекистон).....	41
Иқболлой Адизова. Увайсий ижодий тақомилида Навоийнинг адабий таъсири (Ўзбекистон) .....	44
Зебо Қобилова. Амирийнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган тахмислари.....	47
Эшонқулов Ҳусниддин. Навоий асарларида ишқ мавзунинг тадрижий тақомили (Ўзбекистон).....	51
Акбар Гулбоев. Творчество Алишера Навои – вечно (Узбекистан).....	54
Назора Бекова. «Ситтаи зарурия»даги ботиний бир моҳият хусусида (Ўзбекистон).....	58

## УВАЙСИЙ ИЖОДИЙ ТАКОМИЛИДА НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ ТАЪСИРИ

*Иқболлой Адизова Истамовна,  
филология фанлари номзоди, доцент,  
Алишер Навоий номидаги Тошкет давлат  
Ўзбек тили ва адабиёти университети  
(Ўзбекистон)*

**Аннотация:** Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида Навоий ижоди муҳим ўрин тутади. Мазкур мақолада ўзбек шоираси Увайсий ижодий тақомилида Навоий аъналарининг таъсири масаласи ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** мусаммат, ишк, ошиқ, тахмис, асословчи жумла, асосланувчи фикр, рамз, аъна, новаторлик.

Навоий ижоди туганмас хазина. Ундан баҳра олган ижодкорлар асарларида теран фалсафийлик, чуқур ва кўламдор ғоявийлик, сўзлар замиридаги маъновий чексизлик инкишофини кўрамиз. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётимизни кўзатсак, ҳазрат Навоий мактабини ўтамаган ижодкорни топиш қийин. Улар Навоийнинг фалсафий мушоҳада тарзини, мавзу ва ғоялар қамровини, тимсоллар тизимини, бадиий маҳорат сирларини ўрганиб, унга эргашганлар ва уларни янада тақомиллаштирганлар.

Жумладан, Увайсий меросида ҳам навоийвор теран хулосалар, ўткир ҳаётий мушоҳадаларнинг такрорланмас бадиий ифодасини кўрамиз. Унинг ижодида ҳам Навоийга монанд дардли кечинмалар тасвирига дуч келамиз. Шоира ижодида хос бундай хусусиятлар, айниқса, унинг мусаммат усулида яратган асарларида яққол намоён бўлади.

Маълумки, Ўзбек мумтоз адабиётида мусаммат ижодкор фикр-ғояларини ифодалашда ғазалга нисбатан кенг ва чексиз имкониятларга эга. Шу сабабли у Увайсий адабий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас турларида ёзган асарлари бизга маълум.

Улар мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Албатта, мумтоз адабиёт аънарасига кўра мусамматлардаги етакчи мавзу ҳам ишк. Аммо, унинг замирида шоиранинг олам, одам, ҳаёт моҳияти ҳақидаги теран хулосалари, орифона ҳикматлари, ижтимоий фалсафалари ҳам ўз ифодасини топади. Мусаммат шоира ички «мен»ини, ўзлигини, дунёқараш ва тафаккур тарзини намоён этиш учун чексиз майдон вазифасини бажарган. Уларда Увайсий асарларидаги лирик қаҳрамоннинг кўп киррали, теран мулоҳазали, кенг ва рангин дунёқарашга эга табиати ўқувчини ҳайратга солади. Маълумки, айниқса, мухаммас ғазалдан кейин турувчи фаол жанрлардандир.

Увайсий мустақил мухаммаслар билан бирга, Навоий, Амирий, Жомий, Фузлий каби аллома шоирлар ғазалларига тахмислар ҳам яратган.

Увайсий тахмисларидан бири Навоийнинг «*Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод, Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд*» байти билан бош-

ланувчи ғазалига боғланган. Навоий ғазали 8 байтдан иборат. Унда икки характер – ошиқ ва маҳбуба тимсоли мавжуд. У «оразинасрин, сочи сунбул, қад шамшод»дек гўзал маҳбубага ошиқ тилидан мурожаат билан бошланади. Байтдан байтга ўтган сари тимсоллар табиатидаги зиддият муболағали тарзда кучайиб бораверади. Бу тўкнашувдан пайдо бўлган изтироб чакинини тасвирлашда, шоир мисралар ўртасида параллелизм усулидан фойдаланади. Параллелизм ошиқ ва маҳбуба табиатини ёритишда шоирга ниҳоятда қўл келади. У маҳбубанинг ҳар бир қилмишига ҳаётий мисолларни, ҳодисаларни параллел қўллайди. Бу эса тимсоллар тушган ҳолатнинг сабабини аниқлаштиришга, далиллашга хизмат қилади. Бу усул орқали китобхон тасавурида ошиқ ва маҳбубанинг реал ва аниқ қиёфаси чизиб берилади. Асарда ошиқ ва маҳбуба мақоми гул ва булбул муносабатига муқоясаланади. Мумтоз адабиётда ижобий маънода қўлланувчи мазкур тимсоллар Навоий тафаккури сарҳадларида янгича мазмун касб этади. Улар ишк замиридаги изтироб талқинига хизмат қилдирилади:

*Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,  
Булбул нуру болини юлуб берғали барбод [ 1 ].*

Навоий ғазалини тузилишига кўра, маълум маънода, пароканда ғазал дейшимиз мумкин. Чунки унинг байтларидаги фикрлар ошиқ ва маҳбуба ҳолатини турли нуқтаи назарлар билан, турли томондан изоҳлайди. Аммо, асарни тўлиқ мутолаа этганда, яхлит руҳий манзара борасида тасаввур ҳосил бўлади.

Увайсийнинг мазкур ғазалга тахмис боғлашга рағбатлантирган маълум сабаблар бор, албатта. Бизнингча, авваламбор, ғазалдаги топқирлик билан қўлланган тимсоллардан, ноёб бадий тасвир воситаларидан навоийвор ўзига хос услубда фойдаланиш тамойиллари шоира эътиборини тортган бўлса, иккинчидан, асар композициясидаги, маълум даражадаги, парокандалик шоирага асарни янада кенгайтириш, руҳий ҳолат тасвирини янада аниқлаштириш фикрига келишига асос берган бўлиши мумкин. Албатта, шоира тахмисидаги фикрларнинг мантикий узвийлашуви, тимсоллар табиати ва қиёфасининг янада теран талқин этилганлиги бундай ҳулосага келишимизга асос бўлади.

Тахмисда Увайсийнинг маҳорати 1-банддаёқ яққол кўринади. Навоий ғазалидаги 1-байт гўзал ашёларга қиёсланган маҳбуба жамоли ва булбул каби нолаю фарёд чекаётган ошиқ қайфияти баёни билан бошланган. Увайсий мазкур байтга уч мисра қўшади. Ана шу мисралар ўқувчи тасавурида ошиқ мурожаат этаётган ёр тимсоли қиёфасини анча ойдинлаштиради. Дастлабки мисрада, асосан, ёрнинг гўзаллик чизгилари ифодаланган бўлса, қўшимча мисраларда энди ошиқнинг руҳий ҳолати, қайфияти ҳам мукамал ифодасини топади. Ёрға қарата султонлик, ҳокимлик сифатлари қўлланилади. Бу эса ёр тимсоли моҳиятини кенгайтиради. Уни фақат маъшуқа маъносида эмас, балки бевосита Оллоҳга мурожаат маъносида ҳам тушунишга изн беради:

*Мен хастау зорингни бирор айламадинг ёд,  
Султон сену ҳоким сену бас мен кима дей дод,*

*Умримни камолини гаминг айлади барбод,  
«Эй орази – насрин, сочи – сунбул, қади – шамшод,  
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд» [ 2 ]*

Мазкур мухаммас 8 банд, 40 мисрадан иборат. Банддан бандга ўтган сари ошиқ руҳий ҳолати тасвирининг қамрови кенгайиб бораверади. Навоий ғазали ҳусни таълил санъати асосида яратилган. Ҳар байтнинг 2-мисраси шоир фикрини асословчи жумла. 1-мисра эса, асосланувчи фикр. Увайсий асословчи мисрадаги маънони янада кучайтириб беришга эътиборини қаратади. У қўшган 3 мисра ҳар бир банддаги мақсадни янада мукаммаллаштиришга хизмат қилади. Буни амалга оширишда шоира фикрий тазоддан ўринли фойдаланади:

*Муҳтож эрурмен туну кун аҳли сафога,  
Шояд яди покин кўтарур бўлса дуога,  
Раҳм этмади мен булбули шўрида навога,  
«Ашкимни кўруб тез бўлур майли жафога,  
Оре итимас чуки суве бўлмаса фўлод» [ 3 ]*

Мазкур банддаги Увайсий мисраларида ошиқнинг «аҳли сафога» муҳтожлиги, ёрнинг меҳр-мурувват тилаб дуога қўл кўтаришига илинжи ифодаланади. Ошиқ табиатидаги умидворлик тасвирланади. Аммо, натижа кутилгандек эмас. Ошиқ кўз ёшини кўрган маҳбуба янада жафокорлигини кучайтиради. Бунинг сабабини изоҳлаш учун чиройли асос келтирилади. Яъни, сув берилмагунча пўлат ўткирлашмайди. Кўз ёшини кўрган маҳбуба ишқ оташини – жафосини янада алангалатади. Бу ҳол шунга ўхшатиладики, пичок ясалаётганда, у сувга ботириб турилса, янада ўткирлашади. Ошиқнинг кўз ёши тўкиши маҳбуба зулмига асос бўлди. Кўринадики, шоира қўшган мисралар асосланувчи фикр моҳиятини ойдинлаштиришга, уларни ўқувчи тасавурида янада аниқлаштириб берилишига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида Навоий фикрларининг такомиллашуви, тараққийлашуви асос бўлади.

Навбатдаги бандда ошиқ руҳий ҳолатини ифодалашда Навоий биргина Фарҳод тимсолидан фойдаланган. Увайсий эса уни ёритишда Лайли ва Мажнун тимсолларини ҳам эслайди. Бу асардаги руҳий тугённинг янада кучлироқ пардага кўтарилишига, ошиқ дардининг аниқроқ тасвирланишига асос беради.

*Топди бу кўнгул заррае Лайли хабаридин,  
Қон бўлди юроким мани Мажнун ҳунаридин,  
Фарҳод қутулди ўлубон дарди саридин,  
Мингдин бир эмас ул юроким захмларидин,  
Ҳар нечаки тоғ бағрини захм айлади Фарҳод [ 4 ].*

Шоира шеърини ишқ, ошиқ ва маъшуқа табиати талқини жиҳатидан юксак пардаларда туради. Увайсийнинг маҳорати, айниқса, сўнгги бандда яққол намоён бўлади. Бандма-банд кўтарилиб бораётган руҳий тугён бу ерда энг юқори нуктага етади. Навоий байтига шоира томонидан боғланган мисралардаги лирик

қахрамон мисолида биз энди табиатан латофатли, туйғулари нозик аёлга эмас, балки шиддатли, мардона ошиқ тимсолига дуч келамиз:

*Ким журъайи май ичмаса, мастоналиг этса,  
Бир чуздек обод аро вайроналиг этса,  
Вайс эгри қўюб бўркини мардоналиг этса,  
Не айб Навоий киби девоналиг этса,  
Ҳар одаменинг ёри агар бўлса паризод [ 4 ].*

Мазкур бандда май, кўнгил, ошиқ ва ёр тимсоллари бор. Уларнинг барчаси бир-бири билан алоқадор. Ёр – бош сабаб. Унинг паризод каби гўзаллиги ошиқ кўнглида ишқни алангалатган. У бир култум май ичмаган, аммо ишқ шаробидан сархуш. Ушбу ўринда ишқ май рамзи воситасида талқин этилган. У ошиқни беҳудлик мақомига кўтаради. Ишқ тўфони таъсирида кўнгилни ихтиёрсиз вайрон этади. Ишқ тафти натижасида журъатли, девонавор, мардона ошиққа айланади.

Сўнги бандда лирик қахрамон табиатидаги тўфон ноёб талқинда юзага чиққан. Шоира қўшган ҳар бир мисрада ишқ қилмиши ниҳоятда аниқ тасвирлаб берилган. Қўлланган ҳар бир сўз замиридаги шиддат ўз жарангини намоён эта олган. Мисрама-мисра тасаввуримизда шиддаткор, беҳуд, мажнунваш ошиқ тимсоли гавдаланиб бораверади. Шоира ва Навоий мисралари шакл, мантик ва рухий туғён нуқтаи назаридан яхлитликка эришади. Бу Увайсий маҳоратининг, шу ўринда, навоийвор мақомга кўтарила олганини кўрсатади.

## **АМИРИЙНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЗАЛЛАРИГА БОҒЛАГАН ТАҲМИСЛАРИ**

*Зебо Қобилова,  
филология фанлари номзоди,  
доцент Қўқон давлат педагогика институти  
(Ўзбекистон)*

Ўзбек мумтоз адабиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшган шоҳ ва шоир, илм ва адаб ҳомийси, ўз мамлакатадаги тинчлик ва барқарорликнинг кафили, ажойиб шахс – Муҳаммад Умархон Амирийнинг ижодини ҳар томонлама ўрганиш адабиётшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан. Негаки, XIX асрда мумтоз адабиётимизда иккинчи юксалиш даври, Вадуд Маҳмуд таъбири билан айтганда, «иккинчи олтин давр»ни бошлаб берган ва етакчилик қилган Амирийнинг ижодий лабораториясини ўрганиш, таъсирланиш ва таъсир кўрсатиш, анъана ва новаторлик, тил ва услубдаги янгиликлар каби масалаларни тадқиқ этиш ўша давр адабий муҳити ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлишига замин ҳозирлайди. Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон»